

Зухд ҳадиси (биринчи мақола)



18:40 / 29.01.2019 2633

Кўпчилик катта фақиҳ имомлар, муҳаддислар ва мужтаҳидлар томонидан Исломнинг мадори деб аталган ҳадиси шарифлардан бири қисқача қилиб «Зухд ҳадиси» деб номланади. Мазкур ҳадиси шарифнинг матни қуйидагича:

Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир киши келиб, «Эй Аллоҳнинг Расули! Мени бир амалга далолат қилинги, уни қилсам, мени Аллоҳ ҳам, одамлар ҳам яхши кўрсин», деди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Дунёдан зухд қил, шунда Аллоҳ сени яхши кўради. Одамларнинг қўлидаги нарсадан зухд қил, шунда улар ҳам сени яхши кўради», дедилар».

Ибн Можа ва бошқалар ривоят қилишган.

Аввал ҳадиснинг ровийси Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик.

Бу зотнинг тўлиқ исмлари Абулаббос Саҳл ибн Саъд ибн Молик ибн Холид ибн Саълаба ибн Ҳориса ибн Амр ибн Хазраж ибн Соъида ибн Каъб ибн Хазраж Ансорий Соъидий Маданийдир. Ўн беш ёшида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, саҳоба бўлиш бахтига муяссар бўлганлар. У кишининг асл исмлари Ҳазн бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур исмни Саҳл исмига алмаштирганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳунинг уйларида кирганларида у зот ўтирган ўринларини ўзлари учун намоз ўқийдиган жой қилиб олганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Саҳл ибн Саъднинг уйининг ўртасида масжидни кўрдим»**, деганлар.

Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳу узоқ умр кўрганлар. У киши «Золим Ҳажжож» номи билан машҳур бўлган Ҳажжож ибн Юсуф Сақафий даврида ҳам яшаганлар. Унинг зулмига учраб, синовга қолганлар. Ҳажжож ҳижрий 74 санада Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳуга одам юбориб, «Сени мўминларнинг амири Усмонга ёрдам беришдан нима ман қилди?» деб сўради. «Мен у кишига ёрдам берганман», деди Саҳл ибн Саъд Соъидий розияллоҳу анҳу. «Ёлғон айтасан», деди ва бўйнига тамға босишни буюрди. Шунингдек, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг бўйнига, Жобир ибн Абдуллоҳнинг қўлига ҳам тамға бостирди. У бу билан уларни хорлашни, одамлар улардан четлаб, гапларини эшитмаслигини ирода қилган эди.

(давоми бор)

“Зухд ва ҳаё” китобидан